

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲИСОБ ПАЛАТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ  
МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2021 ЙИЛДАГИ  
ИЖРОСИ ТҮҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА**

**Х У Л О С А**

Тошкент - 2022 йил

## МУНДАРИЖА

<b>I. КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>II. Макроиқтисодий кўрсаткичлар .....</b>	<b>4</b>
<b>III. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ИЖРОСИ.....</b>	<b>5</b>
3.1    Давлат бюджети даромадлари ва белгиланган прогноз кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ижроси.....	5
3.2    Маҳаллий бюджетларнинг 2021 йилги даромадлари ижроси.....	8
3.3    Молия вазирлигига ўтказилган аудит таҳлили .....	10
3.4    Давлат божхона қўмитаси томонидан ундирилган божхона тўловлари таҳлили .....	16
3.5    Давлат солиқ қўмитаси томонидан ундирилган солиқлар таҳлили.....	18
3.6    Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан ундирилган тушумлар таҳлили. ....	20
<b>IV. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ ИЖРОСИ.....</b>	<b>21</b>
4.1    Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажат қисмининг ижроси .....	21
4.2    Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажат қисмининг ижроси .....	24
4.3    Республика бюджетидан 2021 йилда ажратилган мақсадли субсидиялар.....	34
4.4    Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатлари ижроси .....	35
4.5    Бюджетлараро муносабатлар.....	36
4.6    Давлат бюджетининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари .....	38
4.7    Давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича .....	43
4.8    Давлат бюджетининг ички ва ташқи қарзларининг ижроси .....	46
4.9    Давлат бюджети харажатларининг самарадорлиги ва қонунийлиги ҳамда асослилигини баҳолаш бўйича.....	48
<b>V. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ.....</b>	<b>54</b>
5.1    Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ижроси.....	54
5.2    Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёjlари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма ижроси .....	56
5.3    Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси .....	57
5.4    Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси.....	59
5.5    Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси .....	62
5.6    Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси.....	64

5.7 Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш давлат жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси .....	66
5.8 Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси .....	70
5.9 Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси.....	72
5.10 Ахборот-коммуникация ва технологияларини ривожлантириш жамғармаси ижроси	
77	
5.11 Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасининг ижроси.....	80
5.12 Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш жамғармасининг ижроси.....	84
5.13 Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-кувватлаш жамғармасининг ижроси.....	87
5.14 Туризм соҳасини қўллаб-кувватлаш жамғармасининг ижроси .....	88
5.15 Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг ижроси .....	90
5.16 Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ижроси .....	94
5.17 “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасининг ижроси .....	97
5.18 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармасининг ижроси .....	100
<b>VI. ТАШҚИ АУДИТ ВА БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ХУЛОСА.....</b>	<b>107</b>

## **I. КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Конуни ҳамда Бюджет кодексида белгиланган тартибда Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2022 йил 5 апрелда 02/1-61-сонли хат билан Ҳисоб палатасига тақдим этилди.

Давлат бюджетининг 2021 йилги даромадлари ва харажатлари бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари ижросининг ташқи аудити Молия вазирлиги ва унинг Ғазначилиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисоботлари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шахри маҳаллий бюджетлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг тақсимловчилари ҳисоботлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган Молия вазирлиги, Ғазначилик ва бюджет ташкилотларининг ҳисобварагларидаги қолдик маблағлари, тушумлари ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилди.

Мазкур хулоса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш натижалари тўғрисида тайёрланган.

## II. Макроиктисодий кўрсаткичлар


Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2021 йил якунлари бўйича республика иқтисодиёти 2020 йилга нисбатан 7,4 фоизга ўсиб, ЯИМ ҳажми 734,6 трлн сўмни ташкил этган.

Иқтисодий кўрсаткичлар саноатда 8,7 фоизга, қурилишда 6,8 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 4,0 фоизга ҳамда хизматлар соҳасида 9,2 фоизга ўсиши таъминланган.

ЯИМ 7,4 фоизга ўсишининг 1,0 фоизи қишлоқ хўжалиги, 0,4 фоизи қурилиш, 2,2 фоизи саноат, 3,3 фоизи хизматлар ҳамда 0,5 фоизи маҳсулотларга соф солиқлар соҳалари ҳиссасига тўғри келган (1-расм).

1-расм

**2021 йил ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси**



Шу билан бирга, ҳисобот даврида ялпи қўшилган қиймат таркибида хизматлар 38,6 фоизни (2020 йилда 38,7 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 26,9 фоизни (27,1 фоиз), саноат 27,8 фоизни (27,5 фоиз), қурилиш 6,7 фоизни (6,7 фоиз) ташкил этган.

2021 йилда инвестицион фаоллик пасайиши кузатилиб, **асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар** ҳажми 2020 йилга нисбатан **245,0** трлн сўмни ташкил этган, 2020 йилга нисбатан 5,2 фоизга ошган.

**Инфляция даражаси** тасдиқланган прогноз параметрлари доирасида шаклланиб 9,98 фоизни ташкил этган.

### ІІІ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ИЖРОСИ

#### 3.1 Давлат бюджети даромадлари ва белгиланган прогноз кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ижроси

3.1.1 Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун) билан Давлат бюджети даромадларининг 2021 йил учун **прогноз кўрсаткичлари** (*давлат мақсадли жамгармаларисиз*) **147 202,3 млрд сўмга** тасдиқланган.

Йил давомида прогноз кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорларига асосан маҳаллий бюджетлар прогнози **485,8 млрд сўмга** оширилиши натижасида **аниқлаштирилган прогноз 147 688,1 млрд сўмни ташкил этган.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йилги даромадлар ижроси **164 799,4 млрд сўмни** ташкил этиб, аниқлаштирилган прогнозга нисбатан **17 111,2 млрд сўм** кўп ёки **111,6 фоизга** бажарилган.

1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йилги даромадлари ижроси

Кўрсаткичлар номи	Прогноз	Ижро	фарқи	
			суммада	фоизда
<b>Даромадлар (давлат мақсадли жамгармаларисиз), жами</b>	<b>147 688,1</b>	<b>164 799,4</b>	<b>17 111,2</b>	<b>111,6</b>
Давлат солик қўмитаси тушумлари	113 195,3	127 970,4	14 775,1	113,1
Давлат божхона қўмитаси тушумлари	29 445,8	33 226,8	3 781,0	112,8
Молия вазирлиги тушумлари	5 047,0	3 602,1	-1 444,8	71,4
<b>Бевосита солиқлар</b>	<b>49 671,9</b>	<b>58 930,3</b>	<b>9 258,4</b>	<b>118,6</b>
Фойда солиги	30 984,8	38 363,3	7 378,5	123,8
Айланмадан олинадиган солик	1 832,9	1 649,4	-183,5	90,0
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	16 854,2	18 917,7	2 063,5	112,2
<b>Билвосита солиқлар</b>	<b>53 663,7</b>	<b>56 290,4</b>	<b>2 626,8</b>	<b>104,2</b>
Кўшилган қиймат солиги	38 063,2	38 439,0	375,8	101,0
Акциз солиги	11 849,3	13 086,5	1 237,3	110,4
Божхона божи	3 751,2	4 764,9	1 013,7	127,0
<b>Ресурс тўловлари ва мулк солиги</b>	<b>20 841,2</b>	<b>23 036,4</b>	<b>2 195,1</b>	<b>110,5</b>
Мулк солиги	2 203,3	2 457,3	254,0	111,5

Кўрсаткичлар номи	Прогноз	Ижро	фарқи	
			суммада	фоизда
Ер солиги	3 106,7	4 082,8	976,1	131,4
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик	15 146,8	15 811,9	665,1	104,4
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	384,4	684,4	300,0	178,0
<b>Бошқа даромадлар</b>	<b>23 511,3</b>	<b>26 542,2</b>	<b>3 030,9</b>	<b>112,9</b>

Давлат бюджетига 2021 йилда ҳақиқатда **164 799,4 млрд сўм** даромадлар ундирилиши таъминланниб, шундан солик органлари томонидан **127 970,4 млрд сўм** (*умумий даромаднинг 77,6 фоизи*), божхона органлари томонидан **33 226,8 млрд сўм** (*20,2 фоиз*), Молия вазирлиги томонидан **3 602,1 млрд сўм** (*2,2 фоиз*) тушумлар таъминланган.

Давлат солик хизмати органлари томонидан Давлат бюджетига ундирилиши лозим бўлган солиқлар ва йифимлар бўйича 113 195,3 млрд сўм аниқлаштирилган прогноз белгиланиб, амалда 127 970,4 млрд сўмга (*113,1 фоиз*) ижро қилинган.

Давлат божхона органлари ваколатидаги Давлат бюджетига тўланадиган божхона тўловлари бўйича 29 445,8 млрд сўм аниқлаштирилган прогноз белгиланиб, амалда 33 226,8 млрд сўмга (*112,8 фоиз*) бажарилган.

3.1.2 Давлат бюджети даромадлари бўйича прогноз кўрсаткичларининг бюджетлар кесимидағи ижроси таҳлил қилинганда, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари бўйича белгиланган 118 240,0 млрд сўм прогноз **129 626,4 млрд сўмга** (*109,6 фоиз*), Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари даромадлари бўйича белгиланган 29 448,1 млрд сўм прогноз **35 173,0 млрд сўмга** (*119,4 фоизга*) бажарилган.

2-жадвал

### **Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларининг бюджетлар даражаси бўйича ижроси**

млрд сўм

Кўрсаткичлар номи	Аниқлаштирилган параметр	Амалдаги тушумлар	фарқи	
			суммада	фоизда
<b>Даромадлар - жами</b>	<b>147 688,1</b>	<b>164 799,4</b>	<b>17 111,2</b>	<b>111,6</b>
<i>шу жумладан:</i>				
Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	118 240,0	129 626,4	11 386,4	109,6
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	29 448,1	35 173,0	5 724,9	119,4

3.1.3 Қонунга асосан 2021 йил учун тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига I - IV чораклар давомида ўзгартиришлар киритилган, натижада йиллик прогноз кўрсаткичи **4 та** худуд бўйича жами **205,8 млрд сўмга камайтирилган**, **10 та** худуд ва Йирик солик тўловчилар бўйича худудларо давлат солик инспекцияси томонидан ундириладиган соликлар бўйича **691,6 млрд сўмга оширилган** ҳолда қайта тақсимланган.

### 3-жадвал

#### **Давлат солик қўмитасига етказилган бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичларидаги ўзгартиришлар**

млрд сўм

Худудлар номи	Молия вазирлиги томонидан етказиб берилган дастлабки прогноз	Аниқлаш- тирилган прогноз	Фарқи
<b>ЖАМИ</b>	<b>112 709,5</b>	<b>113 195,3</b>	<b>485,8</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 566,6	1 616,7	50,1
Андижон вилояти	2 208,0	2 195,0	-13,0
Бухоро вилояти	2 058,0	2 074,3	16,3
Жиззах вилояти	1 191,6	1 202,9	11,3
Қашқадарё вилояти	2 424,1	2 488,6	64,5
Навоий вилояти	1 162,3	1 166,3	4,0
Наманган вилояти	2 016,5	2 032,0	15,5
Самарқанд вилояти	2 792,5	2 856,0	63,6
Сурхондарё вилояти	1 739,4	1 771,8	32,4
Сирдарё вилояти	856,8	853,8	-3,0
Тошкент вилояти	3 797,5	3 772,5	-25,0
Фарғона вилояти	2 886,2	2 887,9	1,7
Хоразм вилояти	1 703,0	1 705,2	2,3
Тошкент шаҳри	12 515,4	12 350,6	-164,8
Йирик солик тўловчилар бўйича худудларо давлат солик инспекцияси	73 791,5	74 221,6	430,0

Прогноз кўрсаткичлари ижроси чораклар кесимида таҳлил қилинганда, тушумлар ижроси белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан I чоракда 1 731,7 млрд сўмга (прогноз ижроси 106%), II чоракда 3 520,1 млрд сўмга (112%), III чоракда 3 818,5 млрд сўмга (113%) ва IV чоракда 5 704,8 млрд сўмга (120%) кўп бажарилган.

### **3.2 Маҳаллий бюджетларнинг 2021 йилги даромадлари ижроси**

**3.2.1** Бюджет кодексининг 28-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашиларининг қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари параметрлари тасдиқланиши белгиланган.

**4-жадвал**

#### **Маҳаллий бюджетларнинг 2021 йилги даромадлари ижроси**

<b>Худудлар</b>	<b>Аниқлаштирилган параметр *</b>	<b>Амалдаги тушумлар</b>	<b>фарқи</b>	
			<b>суммада</b>	<b>фоизда</b>
<b>ЖАМИ</b>	<b>29 448,1</b>	<b>35 173,0</b>	<b>5 724,9</b>	<b>119,4</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 663,6	1 869,3	205,7	112,4
Андижон вилояти	2 193,2	2 418,6	225,4	110,3
Бухоро вилояти	1 886,2	2 374,1	487,9	125,9
Жиззах вилояти	1 219,7	1 460,4	240,8	119,7
Қашқадарё вилояти	2 461,8	2 722,1	260,3	110,6
Навоий вилояти	1 621,5	1 947,8	326,3	120,1
Наманган вилояти	1 982,7	2 297,1	314,4	115,9
Самарқанд вилояти	2 719,1	3 154,8	435,7	116,0
Сурхондарё вилояти	1 751,9	1 993,3	241,3	113,8
Сирдарё вилояти	741,2	881,7	140,5	119,0
Тошкент вилояти	2 984,8	3 734,1	749,3	125,1
Фарғона вилояти	2 906,6	3 665,1	758,5	126,1
Хоразм вилояти	1 436,2	1 743,1	306,9	121,4
Тошкент шаҳри	3 879,8	4 911,4	1 031,6	126,6

\* Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларининг қарорларига асосан 485,8 млрд сўмга оширилган прогноз инобатга олинган.

**3.2.2** Қонуннинг 6-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари Қонуннинг 6-иловасига мувофиқ маълумот учун қабул қилинган.

Шунингдек, Қонуннинг 9-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг

харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

5-жадвал

### **Молия вазирлиги томонидан маҳаллий бюджетларнинг даромадлари прогнози ўзгартирилиши**

млрд сўм

<b>№</b>	<b>Худудлар</b>	<b>Тасдиқланган прогноз</b>	<b>Аниқлаштириш натижасидаги ўзгариш</b>	<b>Аниқланган прогноз</b>	<b>Тушум</b>	<b>Фарқи</b>
	<b>Жами</b>	<b>29 774,7</b>	<b>-812,4</b>	<b>28 962,3</b>	<b>35 173,0</b>	<b>6 210,7</b>
	<i>шундан:</i>					
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 614,2	-26,8	1 587,5	1 869,3	281,8
2	Андижон вилояти	2 352,2	-159,0	2 193,2	2 418,6	225,4
3	Бухоро вилояти	1 935,4	-79,5	1 855,9	2 374,1	518,2
4	Жиззах вилояти	1 212,9	-11,2	1 201,7	1 460,4	258,8
5	Қашқадарё вилояти	2 570,3	-185,0	2 385,3	2 722,1	336,8
6	Навоий вилояти	1 535,8	-10,3	1 525,5	1 947,8	422,3
7	Наманган вилояти	1 970,6	-17,9	1 952,7	2 297,1	344,4
8	Самарқанд вилояти	2 657,0	-3,9	2 653,1	3 154,8	501,7
9	Сурхондарё вилояти	1 754,7	-38,6	1 716,1	1 993,3	277,2
10	Сирдарё вилояти	745,7	-4,5	741,2	881,7	140,5
11	Тошкент вилояти	3 009,8	-25,0	2 984,8	3 734,1	749,3
12	Фарғона вилояти	2 904,9	0,0	2 904,9	3 665,1	760,2
13	Хоразм вилояти	1 442,7	-14,7	1 428,0	1 743,1	315,2
14	Тошкент шаҳри	4 068,6	-236,0	3 832,6	4 911,4	1 078,8

Молия вазирлиги томонидан маҳаллий бюджетларнинг даромадлари прогноз кўрсаткичлари **812,4 млрд сўмга** камайтирилиб, 28 962,3 млрд сўм этиб белгиланганди.

Мазкур ўзгаришлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг даромадлари прогноз кўрсаткичларини камайтириш ва мос равишда тегишли бюджетлар харажатларини баланслашган ҳолда сақланиши юзасидан **қарорлари қабул қилинмаган**.

*Маълумот учун: Бюджет кодексининг 142-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари баланслаштирилган даромадлар ва харажатларга эга бўлиши лозим.*

Амалда маҳаллий бюджетларга тушумлар миқдори 35 173,0 млрд сўмни, даромадларни прогноздан орттириб бажарилган (қўшимча даромад) қисми 6 210,7 млрд сўмни ташкил этган.

Бунда, маҳаллий бюджетларнинг тушумларини прогноздан орттириб бажарилган суммасидан **812,4 млрд сўми** (қўшимча даромад манбалари) Молия вазирлиги томонидан прогноз қўрсаткичларини камайтирилиши ҳисобига шаклланган.

**3.2.3** Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, Андижон, Бухоро, Наманган Сирдарё ва Тошкент вилоятларидағи **32 та** туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари ҳисобидан 2021 йилнинг 9 ойи давомида нотўғри шакллантирилган қўшимча даромад манбалари ҳисобидан **10 425,4 млн сўмлик** харажатлар амалга оширилган.

Масалан, молия ва ғазначилик органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг 6 та туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан нотўғри ажратмалар ўз вақтида тузатилмаганлиги натижасида 2021 йилнинг 9 ойи давомида тегишли бюджетларга нотўғри ажратма қилинган тушумлар ҳисобидан шаклланган даромадларни прогноздан орттириб бажарилган қисмидан 3 124,3 млн сўмлик манбаси мавжуд бўлмаган харажатлар амалга оширилган.

### **3.3 Молия вазирлигига ўтказилган аудит таҳлили**

**3.3.1** Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисбот шакли Молия вазирининг 2013 йил 2 декабрдаги 157-сон буйруғи билан тасдиқланган шаклда тузилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб келинмоқда.

Бюджет кодексининг 29-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисбот шаклларини ва уларни тақдим этиш тартиби Молия вазирлиги томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Бунда, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисбот шакллари, шу жумладан, Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисбот шаклини тасдиқловчи ваколатли орган белгиланмаган.

Молия вазирлигининг 2013 йил 2 декабрдаги 157-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳисбот шаклида Давлат бюджети даромадларининг йиллик прогноз қўрсаткичлари ва ҳақиқатда тушумлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

Ҳисботнинг бирламчи маълумотлари асосан Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасида шаклланган бўлиб, тақдим этилган ҳисботда улар томонидан ҳисоби юритилаётган Давлат бюджетининг ижроси билан боғлиқ бўлган асосий қўрсаткичлар акс эттирилмасдан қолмоқда.

Жумладан, 2021 йилда **ҳисбланган соликлар, қўлланилган солик имтиёzlари ва преференциялари, солик қарзи**, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ундирувчанлик даражаси, давлат активларининг ўзгариши, шу жумладан, 2021 йилда реализация қилинган активлар ва уларнинг сотилишидан тушган тушумларни тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисботда акс эттирилмаган.

Жумладан, Бюджет кодексининг 164-моддасига асосан Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидағи ташкилотлар томонидан ҳисбот даври учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ҳамда тушумлари тўғрисидаги ҳисботларни молия органларига тақдим этилиши лозим.

Мазкур моддада, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушуми тўғрисидаги ҳисботларнинг шакллари ҳамда уларни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланиши кўрсатилган бўлсада, Молия вазирлиги томонидан ҳисбот шакллари ишлаб чиқилмаган.

Масалан, ИИВ ЙХХБ томонидан ундириладиган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун электрон тарзда тақдим этиладиган фото ва видеофиксациянинг маҳсус автоматлаштирилган техник воситалари билан қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузилишлари учун 2021 йилда жами 1 058,2 млрд сўм жарималар қўлланилиб, шундан 410,0 млрд сўм ундирилган (*шуңдан 314,1 млрд сўм имтиёзли (70 %)*) ва Давлат бюджетига 227,1 млрд сўм ажратма қилинган.

Бундан ташқари, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан давлат мулкини ижарага беришдан тушадиган тўловлар бўйича 254 211,0 млн сўм ҳисобланган бўлиб, шундан 246 529,8 млн сўм маблағлар ундирилган.

Натижада, ҳисботда акс эттирилмаган ҳисобланган тўловлар, фойдаланилган имтиёзлар, йил охирига қолдиқ суммалари ва бошқа кўрсаткичлар юзасидан Давлат бюджети даромадларига тўлиқ баҳо бериш имконияти чекланмоқда.

**3.3.2** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисботи ҳақида”ти қарорининг 3-бандида Молия вазирлиги зиммасига **икки ой муддатда** ғазначилик тизимида давлат божи, йифимлар ва бошқа мажбурий тўловларни автоматлашган ҳолда ажратиш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда барча вазирлик ва идораларга нисбатан тўлиқ қўллаш вазифаси юклатилган.

Шунга қарамасдан, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси тушумларини Давлат бюджети ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ҳисобварақларига ғазначилик тизими орқали автоматлашган ҳолда тақсимлаш тизими йўлга қўйилмаган.

**3.3.3** Конуннинг 12-моддасига асосан мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши белгиланган.

Ҳисоботда мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиги бўйича тушумлар миқдори 2 773,7 млрд сўмни ташкил этган бўлсада, Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қуии бюджетларга 2 804,1 млрд сўм ёки **30,4 млрд сўм** ортиқча ўтказиб берилган.

Мазкур ортиқча ўтказиб берилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сон қарорининг 16-бандига асосан ўтказиб берилган.

Жумладан, Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетига ўтказиб берилиши лозим бўлган тушумлар 268,0 млрд сўмни ташкил этган бўлсада, амалда 2,7 млрд сўм ортиқча ўтказиб берилган.

**3.3.4** “Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисида”ги Йўриқномага (*Адлия вазирлигига 30.03.2016 йил 2771-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) асосан туман (шахар) ғазначилик бўлинмалари томонидан Молия вазирлигининг ахборот тизимида маъқулланган топшириқномалар, топшириқномаларда кўрсатилган даромад шахсий ғазна ҳисобварағидан жорий тушумлар ҳисобидан, шунингдек агар **5 иш куни** (2021 йил 26 июнга қадар 10 иш куни муддатда) мобайнида жорий тушумларнинг етишмаслиги ёки мавжуд бўлмаганлиги сабабли қайтариш ёки ҳисобга олиш имконияти бўлмаса, ортиқча тўланган ёки ундирилган маблағни қайтариш ёки ҳисобга олиш тегишли бюджетнинг шахсий ғазна ҳисобварағидан амалга оширилиши белгиланган.

Республика бўйича 2021 йилда солик тўловчиларнинг 4 491,3 млрд сўмлик ортиқча (нотўғри) тўловлари ижросини таъминлаш юзасидан мурожаатлар бўлиб, шундан 2 902,7 млрд сўм тўловчиларга қайтарилиган ва 960,7 млрд сўм бошқа даромад турларига ҳисобга олинган.

Бироқ, ортиқча (нотўғри) солик тўловларини белгиланган муддатларда қайтарилмаслиги оқибатида маҳаллий бюджетларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳажми **88,0 млрд сўмга** (*шаклланган қўшимча даромаднинг 2,1 фоизи*) ортиқча бажарилишига замин яратилган.

Масалан, Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетининг 216,8 млрд сўм миқдоридаги қўшимча даромадлар ҳажмида ўз вақтида (*йил давомида қайтарилиши лозим бўлган ортиқча тўловлар қонунчиликда белгиланган муддатлардан 214 кунгача кечиктирилган*) қайтарилмаган тўловлар 17,0 млрд сўмни ёки 7,9 фоизни ташкил қилган.

Шунингдек, 2022 йил 1 январь ҳолатига **627,9 млрд сўмлик** ортиқча (нотўғри) солик тўловлари ғазначилик органлари томонидан белгиланган муддатларда қайтарилмаган.

Бундан ташқари, Бюджет кодексининг 118-моддасига асосан ушбу Кодекснинг 51-моддасида кўрсатилган қайси даромадлар бўйича тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг нормативлари белгиланмаган бўлса, ўша даромадлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тўлиқ ҳажмда киритилиши лозим, ушбу Кодекснинг 52-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шунга асосан тартибга солувчи даромадлардан ажратмаларнинг нормативлари белгиланмаганлиги сабабли, айрим тугатилган (бекор қилинган) даромадлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилган.

Бироқ, Йўриқноманинг 37<sup>2</sup>-бандига асосан тегишли бюджет маблағларидан маблағларни қайтариш ёки ҳисобга олиш бўйича тўлов хужжати:

- Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қайтарилиши лозим бўлса – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан қайтарилиши лозим бўлса – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича газначилик бошқармалари томонидан;

- туман ва шаҳар бюджетларидан қайтарилиши лозим бўлса – туман ва шаҳар Газначилик бўлинмалари томонидан;

- ДМЖ бюджетидан қайтарилиши лозим бўлса – Молия вазирлиги Газначилиги томонидан бир иш куни муддатида Молия вазирлигининг ахборот тизимида маъкулланади.

Айрим тугатилган (бекор қилинган) даромад турлари бўйича келгусида ундириладиган тушумларни, ҳосил бўлган ортиқча тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш қайси бюджет даражаларида амалга оширилиши ва уларнинг ҳисботларида акс эттирилиши **қонунчиликда белгиланмаган**.

Амалда, 2021 йилда айрим тугатилган (бекор қилинган) даромад турлари бўйича ҳосил бўлган **15,5 млрд сўмлик** ортиқча тўловлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан солиқ тўловчиларга қайтарилган.

“Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисида”ти Йўриқномада (*Адлия вазирлигида 30.03.2016 йилда 2771-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали тугатилган (бекор қилинган) даромад турлари бўйича ҳосил бўлган ортиқча тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш юзасидан тегишли бюджет даражаларига аниқлик киритиш лозим.

**3.3.5** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 100-моддасига асосан солиқ органи томонидан солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган тақдирда кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даврида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига teng ставкадан келиб чиқкан ҳолда фоизлар ҳисобланиши белгиланган.

Солиқ органлари томонидан 2021 йилда тадбиркорлик субъектларига 404,0 млрд сўмлик солиқларни тўлашни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиб, қарз суммасига нисбатан **27,6 млрд сўм** фоиз ҳисобланиб (*кўшилган қиймат солиги 23,1 млрд сўм, фойда солиги 3,5 млрд сўм*), тушумлар таъминланган.

Бунда, қонунчиликда солиқларни тўлашни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган қарз суммасига нисбатан ҳисобланган фоизлар ҳисобини юритишида, уларни тегишли солиқлар таркибига қўшиб юритиш ёки алоҳида ҳисобини олиб бориш тартиби белгиланмаган.

Натижада, фоиз даромадларининг суммалари солик турлари таркибиغا қўшилиб мазкур солиқлар бўйича тушумлар микдори оширилган.

**3.3.6** Молия вазирлигининг Марказий банк ва Газначиликдаги валюта ҳисобварақлари қолдиқ маблағлари йил якуни билан ягона ғазна ҳисобварағи билан қамраб олинганлиги ва ҳисботда акс эттирилиши таҳлил қилинганда, 2021 йил охирида ягона ғазна ҳисобварағидаги (миллий валютадаги) қолдиқ 3 955,9 млрд сўмни ҳамда ғазна ижросига ўтмаган ташкилотларнинг банк ҳисобварақларидағи қолдиқ 209,6 млн сўмни ташкил этган.

Шунингдек, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига Молия вазирлигининг қўйидаги банк ҳисобварақларида қолдиқ маблағлар мавжудлиги аниқланди:

б-жадвал

Т.р	Ҳисобварақ	Валюта тури	Қолдиқ (минг сўм)	Изоҳ
1.	21502000100100001032	сўм	361,9	Ислом тараққиёт банки лойиҳалари учун
2.	21502000300100001022	сўм	494 929,8	Ташки қарз билан боғлиқ тўловлар учун
3.	21502000300100001030	сўм	821,4	Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳалар учун ( <i>ОТБдан келадиган маблағлар бўйича</i> )
4.	23202000200100001002	сўм	3 434 310,6	Ссудадан қайтган маблағ
5.	23202000200100001003	сўм	5 591 504,2	Ссудадан қайтган маблағ
6.	23202000200100001004	сўм	474 439,3	Тараққиёт учун озиқ-овқат дастури гранти
7.	23202000200100001005	сўм	515 526,4	Тараққиёт учун озиқ-овқат дастури гранти
<b>ЖАМИ</b>			<b>10 511 893,7</b>	

**3.3.7** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июлдаги “Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3877-сон қарорига асосан жаҳон молия бозорларида жойлаштирилган 1,0 млрд АҚШ доллари микдоридаги 5 ва 10 йил муддатли суверен халқаро облигациялари ҳисобидан фоизлар олиниши ва тўланиши ўрганилганда, қуйидагилар аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида 2019 йил давомида Молия вазирлиги томонидан:

- 9 та тижорат банклари депозитларига жами 889,2 млн АҚШ доллари жойлаштирилган;

- “Агробанк” АТБга 20 млн АҚШ доллари субординар қарз сифатида кредит линиясини очиш учун берилган;

- “Навоий кон-металлургия комбинати” ДКга 89,9 млн АҚШ доллари бюджет ссудаси сифатида ажратилган.

Мазкур жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан 2021 йилда жами **48 952,7 минг АҚШ доллары** (*сўмдаги эквиваленти 517,8 млрд сўм*) фоизли тушумлар тарзида даромадлар олинган бўлиб, Ҳисоботнинг даромадлари таркибида акс эттирилмаган.

Молия вазирлиги томонидан суверен облигациялар учун ҳисобланган фоизларни қоплаш мақсадида 2021 йилда халқаро хорижий инвесторларга **50 625,0 минг АҚШ доллары** (*сўмдаги эквиваленти 535,9 млрд сўм*) тўлаб берилб, шундан 48 952,7 минг АҚШ доллар (*сўмда 517,8 млрд сўм*) фоизлар тарзидаги даромадлар ҳисобидан ҳамда 1 672,3 минг АҚШ доллари (*сўмда 17,7 млрд сўм*) Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилган бўлиб, шундан, 48 952,7 минг АҚШ доллари (*сўмдаги эквиваленти 517,9 млрд сўм*) Ҳисоботнинг харажатлари даромадлари таркибида акс эттирилмаган.

**3.3.8 Ўзбекистон Республикасининг 635,0 млн АҚШ доллари** микдоридаги халқаро облигациялари 10 йил муддатга ҳамда 2,5 трлн сўмлик миллий валютадаги халқаро облигациялари 3 йил муддатга жойлаштирилган.

Жойлаштирилган халқаро облигациялар учун 2021 йилда Молия вазирлигининг валюта ҳисобварағига жами **869 471,4 минг АҚШ доллари** келиб тушган.

Мазкур маблағлар ҳисобидан 634 075,6 минг АҚШ доллари (*сўмдаги эквиваленти 6 766,2 млрд сўм*) Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ўналтирилган ва ҳисботда акс эттирилган.

Бюджет кодексининг 15 ва 161-моддаларига асосан халқаро облигациялар учун 2021 йилда келиб тушган маблағлардан йил охирида фойдаланилмаган 235 371,8 минг АҚШ доллари (*сўмдаги эквиваленти 2 550,9 млрд сўм*) Ҳисоботнинг “Узоқ муддатли евро облигациялардан тушган тушумлар” даромад турида акс эттирилмаган.

Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш мақсадида Халқаро молия институтларидан ёки халқаро облигацияларни жойлаштиришдан жалб қилинган маблағларни Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисботларда акс эттирилиши юзасидан Бюджет кодексининг тегишли моддаларига аниқ талабларни киритиш лозим бўлади.

Жумладан, Давлат бюджети тақчилигини қоплаш мақсадида жалб қилинган маблағларни йил давомида фойдаланилган қисмини Ҳисоботда акс эттириш ёки жалб қилинган маблағларни түлиқ миқдорларда акс эттирилишини аниқ белгиловчи нормаларни киритиш лозим.

**3.3.9** Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори билан тасдиқланган “Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган обьектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби түғрисида”ги Низомнинг 5-бандига асосан бюджет ташкилотларининг бинолари ва иншоотлари (шу жумладан қурилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотлари), автомототранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситалар қиймати баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳолангандан кейин “E-auksion” электрон савдо платформасида аукцион савдоларда сотилиши лозим.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 8-бандида маблағлар бюджет ташкилотлари томонидан қўйидаги тартибда тақсимланиши белгиланган:

50 фоизи – тегишли бюджет даромадига ўтказилади;

50 фоизи – бюджетдан ташқари маблағлар бўйича бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамларида (ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг тегишли бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида) қолади.

Мазкур Низомга асосан 2021 йилда “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали 79 та бюджет ташкилотлари томонидан 9 066,7 млн сўмга сотилган асосий воситалар бўйича тегишли бюджетларга **3 840,2 млн сўм** даромадлар ўтказиб берилмаган.

*Мисол учун, Инновацион ривожланиши вазирлиги томонидан 2021 йилда “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали сотилган асосий воситалари бўйича 151,6 млн сўм тушумлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказиб берилмаган.*

Бундан ташқари, 2021 йилда 161 та бюджет ташкилотлари томонидан сотилган асосий воситалари (давлат бюджетига 2,7 млрд сўм тушумлар ўтказиб берилган) Низом талабларига зид равишда, “E-auksion” электрон савдо платформасидан ташқари ўтказилган савдоларда ҳақиқий бозор баҳосида сотиш имконияти чекланган ҳолда сотилган.

*Масалан, Самарқанд вилояти ИИБ томонидан 2021 йилда аукционда сотилган транспорт воситалари сотувидан тушган тушум ҳисобидан 315,1 млн сўм (50 фоизи) тегишили бюджетига ўтказиб берилган бўлсада, асосий воситалар “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали сотилмаган.*

### **3.4 Давлат божхона қўмитаси томонидан ундирилган божхона тўловлари таҳлили**

**3.4.1** Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим қилинган ҳисботга асосан 2021 йил учун прогноз кўрсаткичи 29 445,8 млрд сўм белгиланиб, амалда 33 226,8 млрд сўм тушумлар таъминланган ёки белгиланган прогноз 3 781,0 млрд сўмга ортиқча бажарилган.

2021 йилда хисобланган божхона тўловлари 71 377,3 млрд сўмни ташкил этиб, шундан 38 150,5 млн сўми (53,4 фоиз)га имтиёзлар қўлланилган.

**3.4.2** Ҳисоботнинг Давлат божхона қўмитаси томонидан ундириладиган божхона йифими (3 422 983) даромад турида шакллантирилган **11 594,0 млн сўм** маблағлар Давлат солиқ қўмитаси томонидан ундириладиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб кирганлик учун ундирилган йифим (3 422 202) даромад тури ҳисобидан асоссиз ўтказилган.

**3.4.3** Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 328-моддасига асосан божхона тўловларини тўловчилар томонидан божхона органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ шу мақсадларда очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига тўланади.

Тўланган божхона тўловлари товар чиқариб юборилган қундан ёки тўланиши товарларнинг божхона расмийлаштирувига боғлиқ бўлмаган божхона тўловлари учун божхона органи томонидан ҳаракатлар ёки тартиб-таомиллар бажарилган қундан эътиборан беш иш куни ичида божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилиши кўзда тутилган.

2021 йил якунида божхона органларининг депозит ҳисобварағида божхона тўловлари учун тўланган маблағлар ҳисобидан жами 4 716,1 млрд сўм қолдиқ мавжуд бўлган.

Шундан, ташқи савдо операцияларини амалга оширувчилар томонидан расмийлаштирилган божхона юк декларацияларига асосан божхона тўловлари учун **406,1 млрд сўм** даромадлар божхона органлари томонидан 2021 йилда давлат бюджетига ўтказиб берилмаган.

**3.4.4** Божхона кодексининг 269-моддасида тўлиқ бўлмаган божхона юк декларациясига декларант ёки божхона брокери, агар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида алоҳида маълумотларни тақдим этиш учун бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияси божхона органи томонидан қабул қилиб олинган қундан эътиборан **олтмиш календарь** қундан **ортиқ бўлмаган муддатда** этишмаган маълумотларни ва лозим даражада тўлдирилган божхона юк декларациясини тақдим этиш ҳақидаги ёзма мажбуриятни илова қилиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 227<sup>10</sup>-моддаси З-бандига асосан божхона органига товарлар ва транспорт воситалари учун божхона юк декларацияси, худди шунингдек **ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим этмаслик**, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

*Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 227<sup>10</sup>-модда иккинчи қисмига Ўзбекистон Республикасининг 04.10.2021 йилдаги ЎРҚ-720-сонли Қонуни билан ўзгартириши ва қўшимчалар киритилган.*

Божхона органига товарлар ва транспорт воситалари учун божхона юк декларацияси, ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим этмаган 1 908 та субъектга (*шундан 121 таси фуқаро ва 1 787 таси мансабдор шахс*) нисбатан 2,8 млрд сўм миқдорида жарималарни қўллаш чоралари кўрилмаган ва Давлат бюджетига **1,7 млрд сўм** ундирилмаган.

**3.4.5** Божхона кодексининг 335-моддасига биноан ташки иқтисодий фаолият иштирокчилари дастлабки пул маблағларини божхона органларидан қайтариб бериш бўйича уч йил ичида мурожаат қилмаса, ушбу пул маблағлари божхона органи томонидан Давлат бюджетига ўтказилиши белгиланган.

Давлат бюджетига божхона органлари томонидан 2021 йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан уч йил олдин тўланган қолдиқ маблағлар сифатида 8 595,0 млн сўм ўтказиб берилган ва ушбу тўлов суммаси ҳисоботда акс эттирилган.

Бироқ, 2021 йил 1 январь ҳолатига уч йил давомида ҳаракатсиз бўлган 2 643 та ҳолатда **2 078,5 млн сўм** пул маблағлари Давлат бюджетига ўтказилмасдан қолган.

### **3.5 Давлат солик қўмитаси томонидан ундирилган соликлар таҳлили.**

**3.5.1** Ортиқча тўланган (олдиндан тўлов билан бирга) соликлар суммаси 2022 йил 1 январь ҳолатига **2 708,7 млрд сўмни** ташкил этиб, 2021 йил 1 январга (*3 487,4 млрд сўмга*) нисбатан 778,7 млрд сўмга ёки 22 фоизга қисқарган.

2022 йил 1 январь ҳолатига хўжалик юритувчи субъектларининг солик қарздорлиги **3 055,2 млрд сўмни** ташкил этиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига (*1 837,3 млрд сўмга*) нисбатан **66,3 фоизга ёки 1 218,0 млрд сўмга** ўсган.

Хусусан, Йирик солик тўловчилар бўйича ҳудудлараро инспекцияси бўйича 523,7 млрд сўмга, Тошкент шаҳрида 130,4 млрд сўмга, Самарқандда 103,6 млрд сўмга, Тошкент вилоятида 80,6 млрд сўмга, Қашқадарёда 68,2 млрд сўмга ва Сурхондарёда 60,2 млрд сўмга солик қарздорлиги ўсган.

2021 йилда юридик шахслар томонидан **43 479,3 млрд сўм** солик имтиёзларидан фойдаланилган (*2020 йилда 31,1 трлн сўм бўлган*).

Бунда, 35 025,5 млрд сўм ёки **81 фоиз** имтиёзлар янги таҳрирдаги Солик кодексида белгиланган нормалар асосида фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Конунининг 4-моддасига асосан 2020 йилнинг 1 январигача қабул қилинган солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қиласди.

**Юридик шахслар томонидан 2021 йилда фойдаланилган  
солиқ имтиёзлари түғрисида маълумот**

млрд сўм

Т/п	Солиқ тuri	Солиқ имтиёзлари суммаси, жами	шу жумладан		
			Солиқ кодексига асосан	бошка қонунларга асосан	Президент ва Ҳукумат қарорларига асосан
1	ҚҚС (ноль даражали ставкани ҳисобга олганда)	36 766,3	32 025,5	680,1	4 060,8
	шу жумладан:				
1.1	реализация қилиши бўйича айланмани озод қилиши	4 802,5	4 802,5	x	x
	шундан:				
	тиббий хизматлар	185,1	185,1	x	x
	дори воситалари	4 617,4	4 617,4	x	x
1.2	молиявий ва сугурта хизматларини озод қилиши	9 107,4	9 107,4	x	x
1.3	экспорт ва унга тенглаштирилган хизматлар, ҳалқаро ташни, айрим ҳолларда ноль даражасини қўллаш	15 392,2	15 392,2	x	x
1.4	қолганлари	7 464,2	2 723,4	680,1	4 060,8
2	Фойда солиги	2 219,6	320,9	121,9	1 776,8
	шу жумладан тўлов манбаида	29,4	23,5	0,5	5,4
3	Айланмадан олинадиган солиқ	112,2	57,6	1,3	53,3
4	Ер солиги	2 575,9	1 621,4	87,4	867,0
5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	306,1	104,6	1,9	199,6
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	39,1	27,8	0,5	10,8
7	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги (солиқ агентлари)	1 073,8	922,1	6,0	145,8
8	Ижтимоий солиқ	386,3	122,8	72,1	191,3
<b>Жами</b>		<b>43 479,3</b>	<b>35 202,7</b>	<b>971,2</b>	<b>7 305,4</b>

2021 йилда фойдаланилган имтиёзларнинг 36 766,3 млрд сўми (84,5 %) қўшилган қиймат солиги, 2 219,6 млрд сўми (5,1 %) фойда солиги, 2 575,9 млрд сўми (5,9 %) ер солиги ҳисобига тўғри келган.

**3.5.2** Қонуннинг 12-моддасида давлат унитар корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2021 йилнинг 1 июлига қадар 2020 йил якунлари бўйича ўз соғ фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган микдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши

бўйича дивидендлар ҳисобланиши ҳамда 2021 йилнинг 1 сентябридан кечиктириласдан тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши;

Молия вазирлиги давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2021 йил учун дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) тўлаш микдорлари ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлаш хуқуқига эгалиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3802-сон қарорининг 7-бандига асосан давлат солиқ хизмати органлари давлат улуши бўлган жамиятлардан дивидендлар ва давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ажратмалар йигимини ундиришни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 апрелдаги 79-сонли ва 2021 йил 29 июлдаги 1-сонли йиғилиш баёнлари билан давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар соф фойдасидан дивиденд ва ажратма тўлаб бериши лозимлиги белгиланган.

Мазкур йиғилиш баёнларида кўрсатилган 190 та давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар томонидан 2021 йилда **668,1 млрд сўм** дивидендлар Давлат бюджетига тўланмасдан қолган.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 345-моддасида солиқ суммаси (*5 фоиз*) дивидендларни ва фоизларни тўлаш муддатидан кечиктиримай бюджетга тўланиши белгиланган бўлсада, давлат улуши мавжуд бўлган 691 та юридик шахслар томонидан **56,9 млрд сўм** ажратма тўланмаган.

**3.5.3** Молия вазирлиги Фазначилиги томонидан 2021 йилда тўловларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган ишлар (хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактураларга асосан соликлар ҳисобланиши давлат солиқ хизмати идоралари маълумотлар базаси билан ўзаро солиштирилганда, қуидагилар:

- 116 нафар юридик шахсдан 40,0 млрд сўмлик ишлар (хизматлар) қабул қилиниб, шундан солиқ ҳисботларида 27,8 млрд сўм кўрсатилмаганлиги натижасида **1,1 млрд сўм** айланмадан олинадиган солик;

- 2 375 нафар юридик шахсдан қабул қилинган 8 765,3 млрд сўмлик ишларнинг (хизматларнинг) 2 979,9 млрд сўми солиқ ҳисботларида кўрсатилмаганлиги натижасида **443,7 млрд сўм** қўшилган қиймат солиги ҳисобланмасдан қолганлиги кузатилди.

### **3.6 Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан ундирилган тушумлар таҳлили.**

3.6.1 Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2021 йилда давлат активларини сотишдан 3 694,0 млрд сўм, давлат мулкини ижарага беришдан 41,3 млрд сўм ва бошқа тушумлар ҳисобига 78,9 млрд сўм, жами 3 814,1 млрд сўм тушумлар таъминланган.

Давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар ҳисобидан 2021 йилда Давлат бюджетига 417,7 млрд сўм, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига 33,0 млрд сўм, Савдо саноат палатасига 10,0 млрд сўм, Монополияга қарши курашиш кўмитасига 6,4 млрд сўм, Агентликнинг тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини бажариш билан боғлиқ харажатларини қоплашга 87,3 млрд сўм, Ҳукумат қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган харажатлар ва бекор бўлган шартномалар ҳамда харажатларга 434,8 млрд сўм ўтказиб берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги 404-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 6-бандида давлат активларини сотишдан тушган маблағларнинг 87 фоизи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўналтирилиши белгиланган.

Жамғарманинг ҳисобварағига келиб тушган маблағлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тақсимот меъёрлари асосида **2 341,0** млрд сўми Давлат бюджетига ўтказиб берилмаган.

#### **IV. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ ИЖРОСИ**

##### **4.1 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажат қисмининг ижроси**

Тақдим этилган ҳисбот бўйича Давлат бюджетининг 2021 йилдаги харажатлари (давлат мақсадли жамғармаларисиз) **188 257,1** млрд сўмни (аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан 99,2 фоиз) ёки ЯИМ га нисбатан 25,6 фоизни ташкил этган.

8-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг 2021 йилдаги  
харажатлари ижроси тўғрисида маълумот

млн сўмда

Кўрсаткичлар	Режа	<b>Ижро</b>	
		Суммада	Фоизда
<b>ХАРАЖАТЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ</b>	<b>189 830 008,2</b>	<b>188 257 131,1</b>	<b>99,2</b>
1. Ижтимоий харажатлар	95 540 046,0	92 013 566,8	96,3
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлар бўйича кредиторлик қарзлари 2022 йил 1 январь ҳолатига 2 471,5 млрд сўмни ташкил этиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 1,3 бараварга кўпайган.

17-жадвал

### **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг кредиторлик қарздорликлари тўғрисида маълумот**

млн сўм

т/р	Худудлар номи	01.01.2021 й. холатига	01.01.2022 й. холатига	Ўсиши/камайиши, фоизда
	<b>Жами</b>	<b>1 888 082,1</b>	<b>2 471 534,3</b>	<b>130,9</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	119 301,4	161 702,8	135,5
2	Андижон вилояти	155 975,4	227 325,0	145,7
3	Бухоро вилояти	109 928,0	173 766,1	158,1
4	Жizzах вилояти	118 281,4	109 189,7	92,3
5	Қашқадарё вилояти	144 373,2	199 240,2	138,0
6	Навоий вилояти	72 262,4	119 127,6	164,9
7	Самарқанд вилояти	112 488,8	167 193,2	148,6
8	Наманган вилояти	103 881,0	181 965,7	175,2
9	Сирдарё вилояти	95 303,0	157 399,5	165,2
10	Сурхондарё вилояти	116 228,1	105 939,1	91,1

т/р	Худудлар номи	01.01.2021 й. ҳолатига	01.01.2022 й. ҳолатига	Ўсиши/камайиши, фоизда
11	Тошкент вилояти	152 100,0	169 882,6	111,7
12	Фарғона вилояти	192 096,4	253 360,7	131,9
13	Хоразм вилояти	85 291,7	117 452,6	137,7
14	Тошкент шаҳри	310 571,3	327 989,5	105,6

#### 4.7 Давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича

**4.7.1.** Бюджет кодексининг 122-моддасида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар юридик мажбуриятлар юзага келишини тасдиқловчи хужжатларни ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтказиш учун молия йилининг 25 декабридан кечиктирмай тақдим этишлари белгиланган.

Ғазначилик органларида 2021 йил 25 декабрдан кейин юқоридаги талаблар ижроси таъминланмаган ҳолда **936 та ҳолатда 524,2 млрд сўмлик шартномалар** рўйхатдан ўтказилган.

Ушбу шартномалар таркиби ўрганилганда 41 та ҳолатда 31,1 млрд сўмлик шартномалар асоссиз рўйхатдан ўтказилган бўлса, қолган 895 та ҳолатда рўйхатга олинган 493,0 млрд сўмлик шартномалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси раёсати мажлисининг баёнлари ва топшириқлари асос сифатида кўрсатилган.

#### 4.7.2. Молия вазирлиги Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни депозитларга жойлаштирилиши.

4.7.2.1. “Ғазна ресурс” аукцион платформаси орқали бюджет ташкилотларининг бўш турган маблағларини депозитга жойлаш бўйича тузилган шартномалар шартларига бюджет ташкилотлари томонидан риоя қилинмасдан, яъни ўз вақтида маблағларни депозит ҳисобрақамларига ўтказилиши 175 та ҳолатда 23 кунгача кечикирилиши оқибатида 2,8 млрд сўмлик фоизли даромадлари йўқотилган.

4.7.2.2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 10-бандида бюджетдан ташқари вақтинча бўш маблағлар тижорат банклари депозитларига 12 ойгача мuddатга ҳамда танлов асосида жойлаштирилиши белгиланган.

Бюджет ташкилотлари томонидан 2018-2019 йилларда тижорат банкларига жойлаштирилган депозит маблағлари таркиби ўрганилганда, 16 та ҳолатда 6 та бюджет ташкилоти томонидан 2022 йил бошига депозитда қолдиқ бўлиб турган 47,7 млрд сўмлик маблағлар тижорат банкларига тўғридан-тўғри 12 ойдан кўп мuddатга жойлаштирилганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, 8 та бюджет ташкилотлари томонидан тўғридан-тўғри мустақил равища тижорат банкларига депозиттага жойлаштирилган 23,4 млрд сўм маблағлар депозит шартномаси муддати тугаган бўлсада бюджет ташкилотларига қайтарилмаган.

#### **4.7.3. Давлат харидлари бўйича.**

а) Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунини 18-моддасида Ўзбекистон Республикаси **Молия вазирлиги** давлат харидлари соҳасидаги **ваколатли орган** этиб белгиланган.

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиши бўйича комиссия томонидан **инсофсиз ижрочиликнинг ягона реестрига** ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан охирги **3 йилда умуман қарорлар қабул қилинмаган**.

*Маълумот учун: электрон аукцион савдоларида 2021 йил давомида 2 448 та етказиб берувчи томонидан мажбуриятларни бажармаганлиги сабабли жами 414,6 млрд сўмлик 12 399 та шартномалар бекор қилинган.*

б) Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6-банди билан Электрон кооперация биржаси операторига давлат буюртмачиларининг электрон кооперация биржаси портали орқали тузилган шартномаларини давлат харидлари маҳсус ахборот порталига автоматик режимда юборилишини таъминлаш мажбурияти юклатилган.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Конуннинг 31-моддасида давлат харидлари тўғрисидаги ахборот шартномаларнинг ягона реестрини ўз ичига олиши, 47-моддасида кайси шартномалар тўғрисидаги ахборот шартномаларнинг ягона реестрига киритилмаган бўлса, ўша шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмаслиги белгиланган.

Аммо, корпоратив буюртмачиларнинг электрон кооперация порталида тузган шартномалари тўғрисидаги маълумотларни маҳсус ахборот порталига ([xarid.uz](http://xarid.uz)) автоматик юбориш йўлга қўйилмаганлиги ҳамда маҳсус ахборот портали билан электрон кооперация портали ўртасида интеграция таъминланмаганлиги сабабли шартномалар тўғрисидаги маълумотлар маҳсус ахборот порталида жойлаштирилмаган ҳамда харидлар шаффошлиги таъминланмаган.

Хусусан, корпоратив буюртмачилар томонидан 2021 йилда электрон кооперация портали орқали амалга оширилган 10 784,8 млрд сўмлик харидлар бўйича тузилган 35 084 та шартномалар тўғрисидаги маълумотлар маҳсус ахборот порталига умуман жойлаштирилмаган.

в) Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сонли қарорида кооперация биржасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзи ишлаб чиқарган товарларни реализация қилиши белгиланган.

Аммо, бугунги кунда қонунчилик хужжатларида маҳаллий ишлаб чиқарувчilarни аниқлаш мезонлари белгиланмаган.

Шунингдек, товарларни айнан савдода қатнашаётган етказиб берувчилар томонидан ишлаб чиқарганлигини аниқлаш тизими ишлаб чиқилмаган.

Бунинг натижасида, 2020-2021 йилларда 30 та етказиб берувчилар томонидан 183 турдаги 55,1 млрд сўмлик импорт қилинган товарлар билан номи ва маркалари ўзаро мос келган товарлар электрон кооперация портали орқали реализация қилинган.

г) 2018-2021 йилларда давлат буюртмачилари томонидан тузилган шартномалар бўйича 55,3 млрд сўмлик тўловлар электрон савдолар бўйича Ҳисоб китоб клиринг палатасида товарларни етказиб борилмаганлиги/қабул қилинмаганлиги сабабли ҳаракатсиз ва самарасиз банд қилинган ҳолда сақланиб келинган.

Хусусан, 2018 йилда 45,0 млн сўм, 2019 йилда 1 041,9 млн сўм, 2020 йилда 3 567,5 млн сўм, 2021 йилда 50 694,9 млн сўм маблағлар самарасиз банд қилинган.

Мазкур масалалар давлат харидлари соҳасида ваколатли орган (Молия вазирлиги) томонидан таҳлил қилиб борилмаган ва давлат буюртмачиларининг маблағларини мақсадли сарфланиши ҳамда харид тартиб таомилларининг бажарилиши устидан тизимли назорат олиб борилмаган.

**4.7.4.** Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўтказилмасдан тузилган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширилган харажатлар бўйича.

Молия вазирлиги ахборот тизими маълумотлари асосида танлов йўли билан газначилик бўлинмалари томонидан суд қарорлари ва ижро варақалари асосида амалга оширилган тўловлар таркиби ўрганилганда жами 279 та ижро хужжатлари бўйича 34,5 млрд сўм харажатлар амалга оширилганлиги маълум бўлди.

Бюджет кодексининг 122-моддасида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилярнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши белгиланган.

Судларни ижро хужжатлари бўйича амалга оширилган харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ўрганилганда, бюджет буюртмачилари томонидан харидларнинг рақобатли усулларини четлаб ўтган ҳолда ҳамда “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талабларига зид равища тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги, шартномалар бўйича молиялаштириш манбалари мавжуд бўлмасада шартномалар имзолангандиги ва газначилик бўлимларида рўйхатдан ўтказилмаганлиги маълум бўлди.

Хусусан, юқорида келтирилган барча ижро хужжатлари бўйича амалга оширилган 34,5 млрд сўмлик тўловлар “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талабларига зид равища тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича юзага келган қарздорликлар сабабли амалга оширилган.

Бунинг натижасида ташкилотлар томонидан 27,8 млн сўм пеня, 221,5 млн сўм давлат божи ва почта харажатлари учун ортиқча тўловлар амалга оширилган.

**4.7.5.** Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган 2015-2021 йилларда фаолияти тугатилган тижорат ташкилотлари реестрига киритилган субъектлар билан уларнинг фаолияти тугатилган санадан кейинги даврларда газначилик бўлинмалари орқали бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар томонидан амалга оширилган шартномавий муносабатлар

ҳамда амалга оширилган тўловлар таҳлил қилинди.

Таҳлилларда, 2021 йилда 151 та фаолияти тугатилган субъектларга уларнинг фаолияти тугатилган саналардан кейинги даврларда ғазначилик бўлинмалари орқали жами 54,8 млрд сўмлик тўловлар амалга оширилган.

Шундан, 42,9 млрд сўми бюджет маблағлари ҳисобидан (шундан 728,1 млн сўми ортиқча солиқ тўловларини қайтарилиши), 7,6 млрд сўми мақсадли жамғармалар маблағлари ҳисобидан (шундан 37,7 млн сўми ортиқча солиқ тўловларини қайтарилиши) ҳамда 4,2 млрд сўми бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатларга тўғри келади.

**4.7.6.** Бюджет кодексига мувофиқ **айланма касса маблағи** - молия йилида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ маблағи 99,0 млрд сўмни ташкил этган ёки 2021 йил якунни билан айланма касса маблағи **901,0** млрд сўмга кам сақланган.

#### 4.8 Давлат бюджетининг ички ва ташқи қарзларининг ижроси

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 1 январь ҳолатига давлат қарзи 26 295,0 млн АҚШ долларни (*ялти ички маҳсулотга нисбатан 38,0 фоиз*) ташкил этиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 2 936,3 млн АҚШ долларга ёки 12,5 фоизга ошган, жумладан:

- давлат ташқи қарзи - 23 565,9 млн АҚШ долларни (*ЯИМга нисбатан 34,0 фоиз*) ёки давлат қарзининг 89,6 фоизини;

- давлат ички қарзи - 2 729,1 млн АҚШ долларни (*ЯИМга нисбатан 4 фоиз*) ёки давлат қарзининг 10,4 фоизини ташкил этган.

Шундан, давлат ташқи қарзи таркибида Ҳукуматнинг ташқи қарзи 17 018,5 млн АҚШ долларни, давлат томонидан кафолатланган ташқи қарз 6 547,4 млн АҚШ долларни ташкил этади.

2021 йил давомида ташқи кредит ва қарз ҳисоб ракамларидан 3 805,9 млн АҚШ доллари ўзлаштирилган ҳамда 914,3 млн АҚШ доллари қайтарилган.

18-жадвал

млн АҚШ долл

Кўрсаткич номи	Жами сумма	шу жумладан	
		Ҳукумат қарзлари	Кафолатланган қарзлар
01.01.2021 йилга қарздорлик	21 093,7	15 059,8	6 033,9

Кўрсаткич номи	Жами сумма	шу жумладан	
		Хукумат карзлари	Кафолатланган карзлар
Ўзлаштирилган кредит маблағлари	3 805,9	2 718,6	1 087,3
Қайтарилиган карздорлик	914,3	421,1	493,2
Қарзга хизмат кўрсатиш ( <i>фоизлар ва комиссиялар</i> )	455,3	259,0	196,3
<b>01.01.2022 йилга қарздорлик</b>	<b>23 565,9*</b>	<b>17 018,5</b>	<b>6 547,4</b>

\*) Ташқи қарз қолдигининг ўзгаришига чет-эл валюталари орасидаги курс ўзгариши таъсир қиласди.

Ҳисоботга кўра давлат қарзини тўлаш ва уларга хизмат кўрсатиш мақсадида Давлат бюджетидан аниқланган прогноз бўйича 10 426,7 млрд сўм сарфланиши белгиланиб, ҳақиқатда 10 440,3 млрд сўм ёки прогнозга нисбатан 13,6 млрд сўм (0,13 фоиз) кўп маблағ сарфланган (шундан 681,6 млрд сўм қисқа муддатли давлат қимматли қоғозлари бўйича қарздорликни сўндиришга йўналтирилган).

Давлат ички қарзининг 1 260,1 млн АҚШ доллари қисми (49 фоизи) тижорат банклари билан тузилган 44 та кредит келишувлари, 1 031,6 млн АҚШ доллари Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 29 та келишувлари, 437,5 млн АҚШ доллари Давлат ғазначилик облигацияларининг 49 та чиқарилувидан тушган маблағлар ҳиссасига тўғри келган.

**4.8.1.** “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати номидан тузилаётган халқаро шартномаларнинг асл нусхалари (тасдиқланган кўчирма нусхалари, расмий таржималари) улар имзоланган (депозитарийдан тасдиқланган кўчирма нусхалари, расмий таржималари олинган) кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида Ташқи ишлар вазирлигига сақлаш учун топширилади, ушбу хужжатларнинг кўчирма нусхалари эса, улар кучга кирган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органларига ва бошқа ташкилотларига юборилади.

Молия вазирлиги томонидан **328 та қарз** келишувларининг асл нусхалари “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги **Қонунда белгиланган муддатларда** Ташқи ишлар вазирлигига сақлаш учун **топширилмаган**.

*Маълумот учун: Молия вазирлиги томонидан қарз келишувларининг асл нусхаларини Ташқи ишлар вазирлигига топшириши борасидаги 2021 йилда тегишли ишлар бошланган бўлсада, қарз келишувларининг асл нусхаларини Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қабул қилиб олиши ишлари якунига етказилмаган.*

Шундан, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигига **46 та қарз** келишувларининг асл нусхаларининг мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, Халқаро молия институтларидан жалб қилинган қарз маблағларини қайта кредитлаш орқали тузилган субқарз шартномалари хатловдан ўтказилганда, умумий қиймати 15 152 млн АҚШ доллари

эквивалентидаги 265 та келишувларнинг 141 та (7 471,6 млн АҚШ доллари) асл нусхалари сақланаётганлиги, қолган 124 та (7 680,4 млн АҚШ доллари) қайта кредитлаш келишувларининг асл нусхалари Молия вазирлигига мавжуд эмаслиги аниқланди.

Шунингдек, давлат қарзи келишувлари бўйича қайта кредитлаш шартномалари орқали кредит маблағлари тўловлари доирасида **264 та субқарз келишувлари бўйича** 2021 йилда қайта кредитлаш битимларига асосан **солиштирма далолатномалар тузилмаган**.

**4.8.2.** Халқаро молия институтларидан жалб қилинган қарз маблағлари бўйича тўловларни амалга ошириш учун асос ҳисобланган 8 та қарорлар (*2015 йил 7 январдаги ПК-2282-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 14 июлдаги 152-сон қарори 2009 йил 20 марта даги 79-сон қарори, 2003 йил 11 августдаги 348-сон қарори, 2003 йил 14 августдаги 353-сон қарори, 2009 йил 9 сентябрдаги 258-сон қарори, 1999 йил 17 июндаги 305-сон қарори, 2002 йил 11 декабрдаги 435-сон қарори*) ўз кучини йўқотган бўлсада, жами **187,4 млрд сўм**, шундан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 82,2 млрд сўм миқдоридаги **тўловлар давом эттирилган**.

**4.8.3.** Молия вазирлиги олдида 3 та келишув бўйича жами 156,4 млрд сўм (*14 300,8 минг АҚШ доллар, 01.01.2022 йил санасига Марказий банк курси - 10 837,66 бўйича ва 1 406,7 млн сўм*) **муддати ўтган дебитор қарздорлик** мавжуд бўлиб, мазкур қарздорлик ташкилотлар билан солиштирма далолатномалар тузилмаган ҳамда қарздорликни ундириш юзасидан чоралар кўрилмаган.

**4.8.4.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги 573-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан давлат кафолати берилгани учун 32 та битим бўйича 2021 йилда ҳисобланган **4,7 млн АҚШ доллар** миқдоридаги **муддати ўтган тўловлар** 2022 йил 1 январь ҳолатига **ундирилмаган**.

**4.8.5.** Молия вазирлиги томонидан 441 млн долл. қийматдаги 12 та берилган кафолатлар доирасида (2004-2012 йилларда имзоланган) тақдирлаш пулини ундириш бўйича субқарздорлар билан шартномалар имзоланмаган, натижада жами **4,0 млн АҚШ долл маблағлар ундирилмаган**.

#### **4.9 Давлат бюджети харажатларининг самарадорлиги ва қонунийлиги ҳамда асослилигини баҳолаш бўйича**

**4.9.1** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 15 декабря 2634 -сон билан рўйхатдан ўтказилган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом талабларига риоя этилиши танланма усулда ўрганилганда қуидагилар маълум бўлди:

- Бюджет тақсимловчилари ва республика бюджетидан тўғридан-тўғри маблағ олувчи ташкилотларнинг 2021 йилда ижрога қабул қилинган **413,4 млрд сўмлик 22 та** харажатлар сметалари юқоридаги Низомнинг 7.1 бандига амал қилинмаган ҳолда кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш учун “UzASBO” дастурий мажмуаси орқали электрон шаклда Молия вазирлигига

юборилмаган;

- Низомнинг 38, 66 ва 68-бандларига зид равишда 5 759,4 млрд сўмлик **134 та** харажатлар сметалари Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган.

**4.9.2** Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари тасдиқланган.

2021 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг режалаштирилиши таҳлил қилинганда, Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунининг **5-илюваси талабларига номувофиқ** жами **714,4 млрд сўм** маблағ биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилмасдан, молия вазирлиги учун очилган шахсий ғазна ҳисоб ва рақларида режалаштирилган ҳамда 2021 йил давомида қайта тақсимланган.

**4.9.3** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартағи 90-ф-сонли фармойишида **Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2021 йилги қўшимча манбалари ҳисобидан** Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига кейинчалик уни жамғарма томонидан Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қайтариш шарти билан 3 йил муддатга фоизсиз бюджет ссудаси ажратиш мақсадида 12,0 млрд сўм маблағ ўтказиб берилши белгиланган.

2021 йил 19 март куни бюджет маблағлари ҳисобидан Жамғармага ўтказиб бериладиган бюджетлараро трансферлар ҳисоб вараги орқали Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан **12,0 млрд сўм** бюджет ссудаси **тўғридан-тўғри** Фавқулодда вазиятлар вазирлигига **нотўғри ўтказиб берилган.**

**4.9.4** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги 573-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига тушадиган ер қаъридан фойдаланганлик учун соликнинг (норуда фойдали қазилмалардан ташқари) прогноздан орттириб бажарилган қисмининг 50 фоизи миқдорида, лекин йиллик жами **150 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдорда** Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратмалар Кафолат жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари бири сифатида белгиланган.

Молия вазирлиги Ғазначилиги хузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиши бўйича кафолат жамғармасига 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тушадиган ер қаъридан фойдаланганлик учун соликнинг (*норуда фойдали қазилмалардан ташқари*) прогноздан орттириб бажарилган қисмининг 50 фоизи ҳисобидан 227,8 млрд сўм маблағ ўтказиб берилган бўлиб, шундан **51,2 млрд сўм** 2022 йил 17 январь куни (2021 йилга қўшимча даврда) белгиланган меъёрга нисбатан ортиқча ўтказиб берилган.

**4.9.5** Қорақалпоғистон республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2021 йилдаги қўшимча манбалари ҳисобидан 7 938,5 млрд сўм ҳамда узоқ муддатли бюджет ссудаси ҳисобидан 1 037,2 млрд сўм жами 8 975,7 млрд сўм харажатлар амалга оширилган.

Шундан:

- йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан – 1 867,1 млрд сўм;

- даромадлар прогнозининг ортиқча бажарилган қисми ҳисобидан (*республика бюджетидан берилган узоқ муддатли бюджет ссудаси билан бирга*) – 7 006,3 млрд сўм;

- давлат мулкини сотищдан тушган тушумлар ҳисобидан – 25,6 млрд сўм;

- давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушум ҳисобидан – 19,9 млрд сўм;

- ерларни сотищдан тушган тушумлар ҳисобидан – 56,8 млрд сўм харажатлар амалга оширилган.

19-жадвал

**Даромадлар прогнозининг ошириб бажарилишидан амалга оширилган  
харажатлар йўналишлар бўйича маълумот**

№	Худуд номи	Жами*	шундан					млрд сўм
			Ҳокимият сақлаш харажатлари	Молия ва солиқ ходимларига устама	Обод кишлөк ва Обод маҳалла жамғармаси	"Фуқаролар ташаббуси" (Openbudget)	Жамғармаларга	
	<b>Жами</b>	<b>7 006,3</b>	<b>320,7</b>	<b>78,8</b>	<b>530,3</b>	<b>258,5</b>	<b>912,6</b>	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	356,2	14,8	1,3	50,2	19,7	46,8	
2	Андижон вилояти	252,3	16,6	0,3	61,6	5,5	44,6	
3	Бухоро вилояти	406,7	17,1	0,9	23,1	15,9	122,0	
4	Жиззах вилояти	229,3	17,7	2,8	7,6	9,2	31,8	
5	Қашқадарё вилояти	407,5	33,8	2,9	42,7	35,3	74,8	
6	Навоий вилояти	252,4	14,5	1,1	5,5	5,9	35,9	
7	Наманган вилояти	353,0	19,6	7,7	42,5	16,4	28,8	
8	Самарқанд вилояти	492,9	15,0	1,9	1,2	24,5	69,4	
9	Сурхондарё вилояти	227,3	20,8	3,4	18,7	15,6	36,0	
10	Сирдарё вилояти	130,4	8,6	0,3	4,0	6,0	14,7	
11	Тошкент вилояти	734,6	63,0	16,0	102,5	26,2	97,3	
12	Фарғона вилояти	548,0	24,4	9,0	75,6	15,8	59,3	

№	Худуд номи	Жами*	шундан				
			Ҳокимият сақлаш харажатлари	Молия ва солик ходимларига устама	Обод қишлоқ ва Обод маҳалла жамғармаси	"Фуқаролар ташаббуси" (Openbudget)	Жамғармаларга
13	Хоразм вилояти	223,2	14,3	2,2	34,9	14,6	12,1
14	Тошкент шаҳри	2 392,3	40,5	29,1	60,3	47,9	239,1

\**Республика бюджети ҳисобидан берилган узоқ муддатли бюджет ссудаси билан бирга.*

**4.9.6** Молия вазирлиги томонидан иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар микдорларини ошириш билан боғлиқ харажатлар учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатлари режасига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан 2021 йилда **4 622,3 млрд сўм** маблағ қўшимча ажратилган.

Кейинчалик ушбу маблағларнинг **331,4 млрд сўми** худудий молия органлари томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда ижтимоий солиқлар ҳисобидан иқтисод қилинган маблағлар сифатида камайтирилиб, бюджет ташкилотларини сақлаш (жорий ва капитал таъмирлаш, товар ва хизматларни харид қилиш ва бошқа) харажатларига қайта тақсимланган.

*Уибу иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратилган маблағларни ҳисоб-қитоб қилишида Молия вазирлиги томонидан аниқ ҳисоб китобларга асосланмаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатларига маблағлар ажратилган.*

Мазкур иқтисод қилинган маблағларни чегириб олишда Молия вазирлиги ҳамда худудий молия органлари томонидан Бюджет Кодексининг 119-моддаси (бюджетдан ажратиладиган маблағлар камайтирилиши натижасида бўшаб қолган маблағлар Давлат бюджетининг ҳар бир даражасидаги бюджетларни қўшимча манбалари сифатида расмийлаштириш) ҳамда уларни қайта тақсимлаб, сарфланишида Бюджет Кодексининг 126-моддасида белгиланган (қўшимча манбалар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг қарорлари асосида фойдаланиш) **талаблари бузилган**.

*Бюджет кодексининг 143-моддасида молия йили мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатларига уларнинг тасдиqlанган параметрлари доирасида биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар сотиб олиши харажатлари бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағларни кўпайтириши ёки камайтириши назарда тутувчи ўзгартиришлар фақат Молия вазирлиги билан келишилгандан кейин амалга оширилиши белгиланган.*

*Бюджет кодексининг 119-моддасида бюджет тизими бюджетларининг ижроси жараённида бюджет ташкилотларининг тармоги, штатлари ва контингентлари бўйича*

режса бажарылмаганлиги, тасдиқланган штат жадвалида назарда тутилган штат бирликлари түлдирілмаганлиги, капитал құйилмаларни молиялаштириши учун назарда тутилган маблаглар молия иили якуни бүйіча түлиқ үзлаштирилмаганлиги ҳамда бюджет ташкилоти ва бюджет маблаглари олувчилар фаолияти тұхтатиб турилғанлиги - тұхтатиб турилған давр учун фойдаланылмай қолған бюджетдан ажратыладын маблаглар тегишли бюджеттарни құшимча манбалари сифатида белгиланған.

Бюджет кодексининг 126-моддасыда Қораполоғистон Республикасы республика бюджетининг, вилояттар вилоят бюджеттарининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджеттарининг **құшимча манбалардан** тегишли равиида Қораполоғистон Республикаси Жұқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилояттар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашиларининг қарорлари асосида фойдаланиши белгиланған.

Шунингдек, Бюджет Кодексининг 147-моддасыда Қораполоғистон Республикасы республика бюджетининг, вилояттар вилоят бюджеттарининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг харажатлари ёйилмасига 10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Қораполоғистон Республикаси Жұқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилояттар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари томонидан ҳамда 10 фоиздан кам миқдорда Қораполоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашы, вилояттар ва Тошкент шаҳар ҳокимліктери томонидан үзгартиришилар киритилиши белгиланған.

**20-жадвал**

**Қораполоғистон Республикаси, вилояттар ва Тошкент шаҳар  
маҳаллий бюджеттарининг 2021 йил учун тасдиқланған иш ҳақи  
ва унга тенглаштирилған харажатлар режасига киритилған  
үзгартиришлар түғрисида  
МАЪЛУМОТ**

млрд сўм

№	Худуд номи	Тасдиқланған режа (1 + 2 гурӯҳ)	Республика бюджетидан ажратылған маблаг*	Фоизда	1+2 гурухдан бошқа харажатларга олинган маблаг
	<b>Жами</b>	<b>25 154,0</b>	<b>4 622,3</b>	<b>18,4</b>	<b>- 331,4</b>
1	Қораполоғистон Республикаси	1 894,1	325,0	17,2	- 83,2
2	Андижон вилояти	2 199,2	417,4	19,0	- 5,8
3	Бухоро вилояти	1 615,7	349,7	21,6	- 19,7
4	Жиззах вилояти	1 158,0	283,8	24,5	- 27,9
5	Қашқадарё вилояти	2 293,2	298,6	13,0	- 2,4
6	Навоий вилояти	995,3	229,7	23,1	- 15,0
7	Наманган вилояти	2 068,2	376,1	18,2	- 13,5
8	Самарқанд вилояти	2 430,0	436,1	17,9	- 60,5
9	Сурхондарё вилояти	1 896,9	386,8	20,4	- 23,5

№	Худуд номи	Тасдиқланган режа (1 + 2 гурӯҳ)	Республика бюджетидан ажратилган маблағ*	Фоизда	1+2 гурухдан бошқа харажатларга олинган маблағ
10	Сирдарё вилояти	874,3	147,0	16,8	- 13,2
11	Тошкент вилояти	1 924,6	382,4	19,9	- 19,5
12	Фарғона вилояти	2 624,8	483,4	18,4	- 19,6
13	Хоразм вилояти	1 417,6	231,7	16,3	- 10,1
14	Тошкент шаҳри	1 762,2	274,5	15,6	- 17,4

*\*) Ҳомиладорлик ва тугии нафақаси учун ажратилган маблағлардан ташқари.*

**4.9.7** Бухоро вилоят Молия бош бошқармаси томонидан 2021 йил давомида иш ҳақи харажатлари ва ижтимоий солиқлар бўйича 24,0 млрд сўм, ижтимоий нафақа харажатлари бўйича 11,1 млрд сўм, 3-гуруҳ харажатларидан 9,5 млрд сўм ва 4-гуруҳ бўйича 11,1 млрд сўм **жами 55,7 млрд сўм** иқтисод қилинган маблағларини **захира жамғармаси ҳомиладорлик нафақаси харажат таснифига** нотўғри ўтказилиб, кейинчалик маблағлар ҳомиладорлик нафақасига сарфланмасдан бошқа йўналишларга қайта тақсимланган.

Шундан, Бюджет кодексининг 143-моддаси талабларига зид равища Молия вазирлиги билан **келишилмаган ҳолда, жами 36,9 млрд сўм**, шу жумладан 1-2-гуруҳ харажатлари бўйича 35,2 млрд сўм, озиқ-овқат харажатларидан 1,1 млрд сўм ва дори-дармон харажатлари бўйича 0,6 млрд сўм камайтирилган.

Мазкур маблағларни иқтисод қилинган маблағлар сифатида чегирилиши ва кейинчалик Бюджет Кодексининг 126-моддасида белгиланган талабларига зид равища, Халқ депутатлари **худудий Кенгашининг тегишли қарорларисиз** Молия бош бошқармаси томонидан мустақил равища қайта тақсимланиб, харажатлар амалга оширилган.

#### **4.9.8 Инвестиция дастурларини шакллантириш ва ижро этилиши.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021 – 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-4936-сонли қарорига асосан 2021 йил давомида **1 971 та** объектларда қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун **17 700,0 млрд сўм** (ўтган йилга нисбатан 127%) маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлис баёнларига асосан 2021 йил манзилли дастур доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг аниқлаштирилган параметрлари тасдиқланиб, қўшимча маблағлар ажратилиши юзасидан қарорлар қабул қилинган.

Аниқлаштирилган параметрлар асосида Инвестиция дастури доирасида амалга ошириладиган объектлар сони **2 868 тани** ва жами ажратилган маблағлар

қиймати **25 321,4 млрд сўмни ташкил** этган.

Дастур ижроси доирасида 2021 йил давомида лойиҳалар **22 956,8 млрд сўм (91%)**га молиялаштирилган.

### ***Йилдан-йилга ўтувчи объектлар.***

2021 йил инвестиция дастуридан ўрин олган обьектлардан **489 таси** йилдан-йилга ўтувчи обьектлар бўлиб, мазкур обьектларнинг 2021 йил бошидаги қолдиқ ишлар қиймати **11 312,5 млрд сўмни ташкил** этган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июнданги 261-сонли қарори билан тасдиқланган “Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш тартиби тўғрисида”ги Вақтинчалик Низом талаблари асосида **111 та** обьектнинг қолдиқ ишлар қиймати нархлари кейинги йилдаги ўсиш даражасида қайта ҳисоб-китоб қилинган ва обьектларнинг жами қиймати **441,7 млрд сўмга оширилган**.

2021 йилда қайта ҳисоб-китоб қилинган обьектларнинг ўсиш кўрсаткичидан (коэффициентидан) пудрат корхоналари томонидан обьект қийматининг пасайтириши натижасида аниқланган кўрсаткичи чегириб ташланган ҳолда 86 та обьектлар қиймати қайта ҳисоб-китоб қилинганда 2021 йил бюджет харажатларига кўшимча **28,1 млрд сўм** юклама мавжудлиги кузатилди.

Бундан ташқари, обьектларнинг кейинги йилга ўтишида қурилиш материаллари, жиҳоз ва ускуналарга нархларни оширилган ҳолда қўллаш ҳолатлари мавжуд.

### ***Янги бошланган объектлар.***

Дастур асосида амалга оширилган лойиҳаларнинг смета қийматлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ) ва бошқа ҳужжатлар асосида таҳлил қилинганда, 7 та лойиҳа қийматларини шакллантиришда **4 151,4 млн сўмлик**, шу жумладан ШНҚ меъёрларини нотўғри қўллаш натижасида 2 444,2 млн сўмлик ва арифметик хатоликлар натижасида 1 707,2 млн сўмлик камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

## **V. ДАВЛАТ МАҶСАДЛИ ЖАМГАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ**

### **5.1 Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулокот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ижроси**

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисботда “Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2021 йилдаги жами даромадлари 142 680,0 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 44,2 фоизни, касса харажатлари 142 739,0 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 43,5 фоизни ташкил этганлиги кўрсатилган.

21-жадвал  
млн сўм

№	Кўрсаткичлар	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	%
1.	<b>Йил бошидаги қолдиқ</b>	<b>600,0</b>	<b>1 326,1</b>	
2.	<b>ДАРОМАДЛАР</b>	<b>142 680,0</b>	<b>63 181,7</b>	<b>44,3</b>
	Давлат бюджети трансферлари	142 500,0	62 500,0	43,8
	Республика олий таълим муассасаларидан ўtkазилган ва мажбуриятини бажармаган стипендиатлардан суд қарори билан ундирилган маблағлар	0,0	47,3	
	Депозитдан тушган маблағлар	180,0	86,5	48,1
	Қишлоқ қурилиш банк ходимларини малака ошириш учун	0,0	548,0	
3.	<b>ХАРАЖАТЛАР</b>	<b>142 739,0</b>	<b>62 145,9</b>	<b>43,5</b>
	Сақлаш харажатлари	4 180,2	2 584,9	61,8
	Жамғарманинг стипендия дастурлари ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича харажатлари	138 319,8	59 243,9	42,8
	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан	239,0	317,1	132,6
4.	<b>Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи</b>	<b>1 500,0</b>	<b>2 361,9</b>	

Жамғарманинг ҳисоботида 2021 йил бошига депозитда 600 млн сўмлик қолдиқ нотўғри акс эттирилган.

Амалда ушбу қолдиқ Жамғарманинг ҳисобрақамида мавжуд бўлмаган.

Аудит жараёнида Жамғарма ҳисботи ғазначилик ҳисоб рақамларидаги ҳаракатлар ва қолдиқлари билан солиштирилганда ҳақиқий харажатлар ва ҳисбот маълумотлари ўртасида 508,4 млн сўмлик тафовутлар аниқланди.

22-жадвал  
млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Жамғарма ҳисботи бўйича ижро	Аудит натижаси бўйича ижро	Фарқи (+;-)
1.	<b>Ҳисбот даври бошига қолдиқ</b>	<b>1 326,1</b>	<b>1 326,1</b>	<b>0</b>
	шундан депозит ҳисоб рақамидаги қолдиқ	600,0	0	600,0
2.	<b>Жами даромадлар</b>	<b>63 181,7</b>	<b>63 181,7</b>	<b>0</b>

Т/р	Кўрсаткичлар	Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро	Аудит натижаси бўйича ижро	Фарқи (+;-)
	жумладан:			
	Давлат бюджети трансферлари	62 500,0	62 500,0	0
	Мажбуриятини бажармаган стипендиатлардан суд қарори билан ундирилган маблағлар ва бошқа тушумлар	47,3	47,3	0
	Депозитга жойлаштиришдан олинган даромадлар	86,5	86,5	0
	Қишлоқ қурилиш банк ходимларини малака ошириш учун	548,0	548,0	0
<b>3.</b>	<b>Жами харажатлар</b>	<b>62 145,9</b>	<b>61 637,5</b>	<b>-</b>
	жумладан			
	Сақлаш харажатлари	2 584,9	2 584,9	-
	Жамғарманинг стипендия дастурлари ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича харажатлари	59 243,9	58 735,5	-508,4
	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан	317,1	317,1	-
<b>4.</b>	<b>Ҳисоб даври охирига қолдик</b>	<b>2 361,9</b>	<b>2 870,3</b>	<b>508,4</b>
	<i>шундан депозит ҳисоб рақамидаги қолдик</i>	<i>600,0</i>	<i>600,0</i>	<i>-</i>

Жамғарманинг валюта ҳисоб рақамларида 31.12.2021 йил ҳолатига мавжуд бўлган 60 000 Россия рубли ва 46 097,53 АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар қолдиги ҳисоботда акс эттирилмаган.

Валюта қолдиқларининг сўмдаги эквиваленти 508,4 млн сўм бўлиб, ушбу миқдорни харажатдан чегирган ҳолда қолдиқда кўрсатиш лозим.

## **5.2 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги давлат ва жамият эҳтиёjlари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма ижроси**

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги давлат ва жамият эҳтиёjlари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича республика жамғармасининг 2021 йилдаги даромадлари 323 000 млн сўмни ёки режага нисбатан 100 фоизни, касса харажатлари эса 286 392 млн сўмни ёки режага нисбатан 88,6 фоизни ташкил этган.

## 23-жадвал

млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Хисобот бўйича		Фоизи
		Прогноз	Ижро	
<b>1</b>	<b>Хисобот даври бошига қолдиқ</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	
<b>2</b>	<b>Жами даромадлар</b>	<b>323 000</b>	<b>323 000</b>	<b>100</b>
2.1	Давлат бюджети трансферлари	323 000	323 000	<b>100</b>
<b>3</b>	<b>Жами харажатлар</b>	<b>323 000</b>	<b>286 392</b>	<b>88,6</b>
3.1	<i>Республика ташаббуси билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш харажатлари</i>	323 000	286 392	<b>88,6</b>
<b>4</b>	<b>Хисобот даври охирига қолдиқ</b>	<b>0</b>	<b>36 608,0</b>	

Аудит жараёнида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма ҳисботи ғазначилик ҳисоб рақамларидаги ҳаракатлар ва қолдиқлари билан солишлирилганда тафовутлар аниқланмади.

### 5.3 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисботга кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2021 йилдаги жами даромадлари 37 313,2 млрд сўмни ёки режага нисбатан 97,8 фоизни, касса харажатлари 36 605,3 млрд сўмни ёки режага нисбатан 99,9 фоизни ташкил этган.

## 24-жадвал

млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Хисобот бўйича		Фоизда
		Прогноз	Ижро	
<b>I.</b>	<b>Хисобот даврига қолдиқ</b>	<b>2 400 000,0</b>	<b>2 971 429,6</b>	<b>123,8</b>
1.	Пенсия жамғармаси	x	2 971 269,0	
2.	Давлат бюджети	x	10,3	
3.	“Ўзбекнефтгаз” АЖ маблағлари	x	150,3	
<b>II</b>	<b>Пенсия жамғармаси даромадлари</b>	<b>38 170 000,0</b>	<b>37 313 199,9</b>	<b>97,8</b>
	жумладан:			
1.	Пенсия жамғармаси тушумлари	25 296 000,0	26 568 955,1	105,0
2.	Давлат бюджети томонидан трансферлар	12 874 000,0	10 744 244,8	83,5

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Фоизда
		Прогноз	Ижро	
III.	<b>Республика бюджети маблағлари</b> <i>(болаликдан ногиронлик, ижтимоий, дафн ва суюнчи нафақалари, уй-жой коммунал ва нон компенсациялар)</i>		<b>4 148 266,5</b>	
IV.	<b>1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига санаторий йўлланмаси компенсация</b>		<b>347,9</b>	
V	<b>“Ўзбекнефтгаз” АЖ маблағлари</b> ( <i>бензин компенсацияси</i> )		<b>1 434,0</b>	
VI	<b>Пенсия жамғармаси харажатлари</b>	<b>36 630 000,0</b>	<b>36 605 338,6</b>	<b>99,9</b>
	жумладан:			
1.	Пенсия ва бошқа тўловлар харажати	36 620 000,0	36 603 778,4	100,0
2.	Бошқа харажатлари	10 000,0	1 560,2	15,6
VII	<b>Республика бюджети маблағлари</b> <i>(болаликдан ногиронлик, ижтимоий, дафн ва суюнчи нафақалари, уй-жой коммунал ва нон компенсациялар)</i>		<b>4 133 355,7</b>	
VIII	<b>1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига санаторий йўлланмаси компенсация</b>		<b>313,1</b>	
IX	<b>“Ўзбекнефтгаз” АЖ маблағлари</b> ( <i>бензин компенсацияси</i> )		<b>1 435,1</b>	
X	<b>Ҳисобот даври охирига қолдиқ</b>	<b>4 083 000,0</b>	<b>3 694 235,5</b>	<b>90,5</b>
-	<i>Пенсия жамғармаси</i>		<i>3 679 130,4</i>	
-	<i>Давлат бюджети</i>		<i>14 955,9</i>	
-	<i>Бошқа турдаги ички кредитлар қолдиғи</i>		<i>149,2</i>	

Бунда даромадлар таркибида Пенсия жамғармасининг 2021 йилдаги тушумлари режаси ошириб бажарилганилиги сабабли (105%) бюджетдан ажратиладиган трансферлар миқдори камайтирилган.

Аудит жараёнида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисботи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ва тижорат банкларидағи ҳисоб рақамлардаги ҳаракатлар ҳамда қолдиқлари билан солиштирилганда ҳақиқий тушумлар ва ҳисбот маълумотлари ўртасида тафовутлар аниқланмади.

Шунингдек, Жамғарма даромадларининг шакллантирилиши ва ҳаражатларининг амалга оширилишини баҳолаш натижаларига кўра Жамғарма тушумлари бўйича қарздорлик 2022 йил 1 январь ҳолатига 1 549,2 млрд сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 159,6 млрд сўмга ёки 11,5 фоизга ошган.

## 5.4 Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси жами даромадлари 550,5 млрд сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 70,3 фоизни, касса харажатлари эса 595,3 млрд сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 76,3 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган.

25-жадвал

млн сўм

№	Кўрсаткичлар	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	%
<b>1.</b>	<b>Ҳисобот даври бошига қолдиқ</b>	<b>4 000</b>	<b>136 446,9</b>	
	жумладан:			
	Асосий ҳисоб рақамда қолдиқ		8 305,4	
	Депозит ҳисоб рақамдаги қолдиқ		121 587,1	
	Ишсизлик нафақаси бўйича қолдиқ 3999		6 554,4	
<b>2.</b>	<b>Жами даромадлар (ХМИ маблағлари билан)</b>	<b>783 155,6</b>	<b>550 484,2</b>	<b>70,3</b>
	жумладан:			
	Давлат бюджети маблағлари	498 155,6	390 598,5	78,4
	Давлат бюджетидан трансферлар	452 000,0	344 442,9	76,2
	ХМИ маблағлари	46 155,6	46 155,6	100,0
	Ижтимоий солиқдан ажратмалар	125 000,0	139 148,0	113,3
	Тижорат банкларига жойлаштирилган маблағларнинг қайтарилиши	140 416,0		
	Вақтинча бўш маблағларни депозитларга жойлаштириш, кредит ресурслари беришдан фоизлардан тушадиган даромадлар	1 155,0	3 697,7	320,1
	Пеня ва жарималар ҳисобидан тушумлар	15 900,0	13 232,7	83,2
	Бошқа тушумлар	2 529,0	3 807,3	150,5
<b>3.</b>	<b>Жами харажатлар</b>	<b>780 155,6</b>	<b>595 295,2</b>	<b>76,3</b>
	жумладан:			
	Иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш	270 000,0	281 862,7	104,4
	Ишсизлик нафақаларини тўлаш	24 780,0	49 587,3	200,1
	Субсидиялар	120 698,0	108 831,5	90,2
	Муддатидан олдин пенсия харажатларини тўлаш	7 679,0	10 951,7	142,6

№	Кўрсаткичлар	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	%
	Вақтингчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини сақлаш	9 195,0	6 059,9	65,9
	Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида банкларга бериладиган микрокредитлар	125 000,0		
	Бошқа вазирликларга берилган фоизсиз қарзлар	15 000,0	15 000,0	100,0
	"Ягона миллий меҳнат тизими" ва бошқа ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, меҳнат соҳаси органлари АҚТ инфратузилмасини такомиллаштириш	15 440,0	10 178,6	65,9
	Бошқа харажатлар (халқаро ташкилотлар маблағлари билан бирга)	192 363,6	112 823,5	58,7
<b>4.</b>	<b>Ҳисобот даври охирига жами маблағ</b>		<b>91 635,9</b>	
	Асосий ҳисоб рақамдаги қолдиқ		28 158,7	
	Депозит ҳисоб рақамдаги маблағ		57 435,2	
	ОТБ қарз маблағлари ҳисобидан ишсизлик нафақаси ва ХТУ маблағлари ҳисобидан ажратилган маблағлар 3999 бўйича қолдиқ		6 042,0	

Аудит жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Тижорат банкларидағи ҳисоб вараклардаги ҳаракатлар ҳамда қолдиқлари билан солиширилганда ҳақиқий тушумлар ва ҳисбот маълумотлари ўртасида жами 11 942,9 млн сўмлик тафовутлар аниқланди.

26-жадвал

млн сўм

T/p	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича ижро	Аудит натижаси бўйича ижро	Фарқи
<b>1.</b>	<b>Ҳисобот даври бошига қолдиқ</b>	<b>136 446,9</b>	<b>136 446,9</b>	<b>0</b>
	жумладан:			
	Асосий ҳисоб рақамда қолдиқ	8 305,4	8 305,4	
	Депозит ҳисоб рақамдаги қолдиқ	121 587,1	121 587,1	
	Ишсизлик нафақаси бўйича қолдиқ 3999	6 554,4	6 554,4	
<b>2.</b>	<b>Жами даромадлар (ХМИ маблағлари билан)</b>	<b>550 484,2</b>	<b>538 541,3</b>	<b>-11 942,9</b>
	жумладан:			
	Давлат бюджети маблағлари	390 598,5	332 500,0	-11 942,9
	Давлат бюджетидан трансферлар	344 442,9	332 500,0	-11 942,9
	ХМИ маблағлари	46 155,6	46 155,6	

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича ижро	Аудит натижаси бўйича ижро	Фарқи
	Ижтимоий солиқдан ажратмалар	139 148,0	139 148,0	
	Вақтинча бўш маблағларни депозитларга жойлаштириш, кредит ресурслари беришдан фоизлардан тушадиган даромадлар	3 697,7	3 697,7	
	Пеня ва жарималар ҳисобидан тушумлар	13 232,7	13 232,7	
	Бошқа тушумлар	3 807,3	3 807,3	
<b>3.</b>	<b>Жами ҳаражатлар</b>	<b>595 295,2</b>	<b>583 352,3</b>	<b>-11 942,9</b>
	жумладан:			
	Иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш	281 862,7	281 862,7	
	Ишсизлик нафақаларини тўлаш	49 587,3	49 587,3	
	Субсидиялар	108 831,5	108 831,5	
	Муддатидан олдин пенсия ҳаражатларини тўлаш	10 951,7	10 951,7	
	Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини сақлаш	6 059,9	6 059,9	
	Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида банкларга бериладиган микрокредитлар		5 000,0	5 000,0
	Бошқа вазирликларга берилган фоизсиз қарзлар	15 000,0	15 000,0	
	“Ягона миллий меҳнат тизими” ва бошқа ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, меҳнат соҳаси органлари АҚТ инфратузилмасини такомиллаштириш	10 178,6	10 178,6	
	Бошқа ҳаражатлар (халқаро ташкилотлар маблағлари билан бирга)	112 823,5	95 880,6	-16 942,9
<b>4.</b>	<b>Ҳисобот даври охирига жами маблағ</b>	<b>91 635,9</b>	<b>91 635,9</b>	<b>0</b>
	жумладан:			
	Асосий ҳисоб ракамдаги қолдиқ	28 158,7	28 158,7	
	Депозит ҳисоб ракамдаги маблағ	57 435,2	57 435,2	
	ОТБ қарз маблағлари ҳисобидан ишсизлик нафақаси ва ХТУ маблағлари ҳисобидан ажратилган маблағлар 3999 бўйича қолдиқ	6 042,0	6 042,0	

Ушбу тафовутнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинганда қуийдагилар аниқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги 90-ф-сонли фармойишида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2021 йилги қўшимча манбалари ҳисобидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига кейинчалик уни жамғарма томонидан Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қайтариш шарти билан 3 йил муддатга фоизсиз бюджет ссудаси ажратиш мақсадида 12,0 млрд сўм маблағ ўtkазиб берилиши белгиланган.

2021 йил 19 март куни бюджет маблағлари ҳисобидан 100010860262737109210237003-сон шахсий ғазна ҳисоб вараги (Жамғармага ўтказиб бериладиган бюджетлараро трансферлар ҳисоб вараги) орқали Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 12,0 млрд сўм бюджет ссудаси тўғридан-тўғри Фавқулодда вазиятлар вазирлигига **нотўғри ўтказиб берилган**.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан 2021 йилда республика бюджетига 57,1 млн сўм бюджет ссудаси қайтарилган.

Юқоридаги республика бюджети ҳисобидан Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тўғридан - тўғри ўтказиб берилган маблағни ҳамда қайтарилган маблағлар ҳаракатини жамғарма ўзининг 2021 йилдаги ҳисботида акс эттириши натижасида келиб чиқкан.

Юқоридаги хато ва камчиликларни аудит жараёнида бартараф этилиши таъминланиб, Жамғарманинг 2021 йил ҳисботи қайта шакллантирилди ҳамда Жамғарма томонидан аниқлаштирилган ҳисбот Вазирлар Маҳкамасига қайта тақдим қилинди (2022 йил 27 апрелдаги 01/00-02/17-3740-сонли хат).

## **5.5 Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси**

